



ЖАДИД МАТБУОТИ

“АЛ-ИСЛОХ” МАЪРИФАТИ

“Ал-Ислох” журнали Абдурахмон Сайёҳ ва Мунаввар қори Абдурашидхон ташаббуси, саъй-ҳаракати билан 1915 йил 14 январда Тошкент шаҳрининг Ўрда даҳасидаги Г.Я.Яковлев босмахонасида дунё юзини кўрди. 1915 йилги сонлари шу босмахонада, 1916, 1917, 1918 йиллардаги сонлари О.А.Порцхвэ литографиясида чоп этилган. 1918 йилги 5-сонни Аскархон Пахлавон муҳаррирлигида нашр қилинган. 1915, 1916, 1917 йилдаги ҳар бир сони 32 саҳифадан, 1918 йилги сонлари 16 саҳифадан иборат бўлиб, бир ойда икки мартадан чиққан.

“Ал-Ислох”нинг мақсад ва вазифалари ҳақида журналнинг 1915 йилги 2-сонида куйидагилар ёзилган: “Ислох”и замон муслмонларга диний ва дунёвий хизмат қиладургон мажалладур. “Ислох” муслмонларни Китоб ва суннат тарафига чақирадургон мажалладур. “Ислох” муслмонларни номашруъ ишлардан кутқарадургон мажалладур. “Ислох” муслмонларни масалайи фикр ва этиқоди заруриятдан хабардор қиладургон мажалладур.

Мазкур журналда диний ҳамда дунёвий мавзуларга оид мақолалар босилган. Ҳамза, Саидахмад Васлий, Каримбек Камий, Сидқий Хондайлиқий, Исҳоқхон Иброт, Тавалло Хужамёров, Махмуд Ализода Тошкандий ва бошқа ижодий фаолияти шу пайтгача дарий ўрганмаган муаллифларнинг асарлари бериб борилган. Журнал дунёвий ислохотчилик йўлини тутди, жамиятда руй бераётган бидъат, хурофотларни тузатишга катта аҳамият қаратди, миллий ғояларнинг тарқалишида муҳим вазифани бажарди. Журналнинг чиқишини жадид зиёлилари хурсандчилик билан кутиб олдилар, унинг мақсад ва вазифалари, миллий матбуот раванқига ўрни ҳақида шеърлар, таърихлар ёздилар.

“Ал-Ислох” журналнинг 1915-1918 йиллардаги сонларида босилган 101 асардан 74 таси шеърӣй, қолган 27 таси эса насрий асарлардир. Адабиётга доир материалларни бадиий савиясига кўра икки турга ажратиш мумкин: биринчиси, ғояга бирламчи аҳамият берилган асарлар; иккинчиси, юксак бадиият намуналари. Назмий асарлар маърифӣй, диний ва ижтимоӣй-сиёсий мавзулардаги шеърлардан иборат, 74 та шеърдан 51 таси ўзбекча, 23 таси эса форс-тожик тилида.

Назмий асарларда бўлгани каби насрдаги ижод намуналарини ҳам бадиийликдан кўра ижтимоӣйлик биринчи ўринда. Журналда, асосан, ахлоқий мавзудаги ва дин тарихига оид ҳикоятлар, ҳикматли сўз-

лар, шунингдек, адабиёт назарияси ва адабий танқидга доир мақолалар ҳам босилган. Жумладан, “Одил киши” (1915, 2-сон), “Қойил қилмоқ” (1915, 1-сон), “Саъй ва кўшиш” (1915, 1-сон), “Музокараи “Ислох” (1915, 4-сон), “Усули тараққий” (1915, 10-сон), “Уламои салаф ва толиби илм” (1915, 1-сон) каби ахлоқдан баҳс юритувчи ҳикоятлар шулар жумласидандир. Масалан, “Усули тараққий” ҳикоятда маданиятли инсон илмликлик, ёввойи одам эса илмсизлик тизмоларида кўрсатилган, инсон камолоти ва жамият раванқи учун маърифатнинг зарурлиги ҳаётӣй мисоллар орқали тасвирланган.

Журналда босилган насрий асарларнинг бадиий савияси юқори бўлмаса-да, улар миллатни уйғоқликка чақиршига, ўша замоннинг долзарб ижтимоӣй муаммоларини бартараф этишга қаратилгани билан ажралиб туради.

“Ал-Ислох” журналида соф бадиий асарлар билан бирга, адабиёт назариясига оид ва адабий-танқидӣй мақолалар ҳам чоп этилган. Шубҳасиз, бу мақолалар ҳам адабий жараён, адабий муҳит тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Жумладан, “Адабий шижоат нимада?” сарлавҳали мақолада (1917 йил 5 – 6 – 11-сонлар) миллий адабиётимизнинг XX аср бошларидаги ва ўтган асрлардаги аҳолии қиёсий таҳлил этилган. Иброҳим Тоҳирининг “Матбуот ва ислох” (1915 йил, 5-сон), “Матбуот ва ислох бақияси” каби адабий-танқидӣй мақолалари (1915 йил, 6-сон), “Шўро” журналидан кўчириб босилган “Интиқоднинг (танқид) шартлари” номи адабий танқид назариясига оид тадқиқот (1917 йил 1 – 2 – 3-сонлар) шулар жумласидандир. Замонавий адабий танқиднинг илк куртаклари бўлган бу мақолаларда адабий жараён, янги асарлар ҳақида фикр билдирилган, асарларнинг бадиий савияси, илмо ва тилида йўл кўйилган хато ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилган.

Журнал саҳифаларида таълим ислоҳи мавзусида, маърифатга тарғиб этувчи туркум мақолалар, шеърӣй ва насрий асарлар етакчилик қилади. Жумладан, Махмуд Ализода Тошкандий (1916 йил, 3-сон) “Миллий алоқа” шеърӣда ёзади:


*Бизда кўп жахлу ғазаб, арбоби гафлат ичра биз,
Маърифат илму фунун айлаб киром ислох қил...
Туй учун сарф айлағимиз неча юз динорлар,
Русум деб исрофлар*

*минг-минг дирам ислох қил.
Масжиду мактаб мадорис сори қилгил назар,
Онлари илму одобда мунтазам ислох қил.*

Шоирнинг ушбу мисраларида Туркистон халқи ҳаётидаги қолюқликни, маърифатсизликни ислох қилиш ғояси мужассам.

Маърифат тарғиби, мактаблар ислоҳи Саидахмад Васлий ижодида ҳам алоҳида ўрин тутди. Васлий биргина диний билимлар билан чегараланиб қолмай, дунёвий билимларни ҳам ўрганиш зарурлигини уқтиради. Жаҳолатда қолган “қора халқнинг оқариши”да бирдан-бир восита маърифат эканини алоҳида таъкидлайди. Унинг “Ал-Ислох” журнали 1915 йил 17-сонида чоп этилган “Ислоҳи тадрис ҳақида” сарлавҳали мусаддаси бу жиҳатдан қатъига молик.

Шеърда дарс ислоҳи дину шарият жисмига жон бағишлаши, дарс “кўнглилар ичра тоза рух ҳосил айлаши” ҳақидаги теран фикр бетакрор бадиият билан ифодланади. “Дарс ислоҳи ўлмас, ўлмас биза файзу футух”, дея ўша вақтда Туркистонда таълим тизими замон талабларига жавоб бермай қолганидан изтироб чекади. Айниқса, шоирнинг “Бу замонда олим ўлмоққа керакдур умру Нух” деган сўзлари бу изтиробнинг нақадар теранлигини кўрсатади. Васлий куйиши билангина чекланмайди. Бу ҳолатдан



чиқиш чораларини излайди ва “Осмони илм учундир нарбон ислоҳи дарс” деган хулосага келади.

Бошқа жадид боболаримиз каби Васлий Самарқандий ҳам Туркистоннинг ўша даврдаги ҳолатига танқидий назар билан қарайди. “Ишлари дарсонларда “ийоб ила зихоб” – келмагу кетмақданига иборат бўлган, асосий вазифасини – билмагу билдирмакни нутган толиби илмларни кўриб, уларнинг ҳолига ачинади. “Айласак ислоҳи тадрис, эй гуруҳи мустатоб, Бўлмас эрди ҳолати авлодимиз бўйла хароб”, дея таассуф қилади. Жаҳолатдан наҳот топпонқин яғона чораси дарсин – таълим тизимини ислох қилиш эканини таъкидлайди. Айтиш жоизки, “Ал-Ислох” журналида таълим ислоҳи масаласида фаол иштирок этган муаллиф Васлийдир. Журналнинг 1915 йил 13-сонда “Химмат ур-ражо” мақоласида мактаб ва мадрасаларнинг қурилиш лойиҳасидан тортиб, дарс хоналарининг ички жиҳоз, ускуналарига, дарс неча йил бўлиши керак, бир кунда неча фан ўқитилиши зарур, талабаларнинг дарсларини ўзлаштириши ва имтиҳон олиш усули қандай бўл-

моги лозимлиги ҳақида батафсил тўхталади.

Бу масалаларга бошқа зиёлилар ҳам бефарқ қараган эмас. Улар ҳам муҳокама ва мунозарада фаол иштирок этган. Бухоролик Зиёвуддин қори журналнинг 1915 йил 17-сонидаги “Инсоннинг бир неча вазифаси ва саодати” сарлавҳали мақолада таҳсил ўн беш йилга мўлжалланган бўлиши, бир йилда тўққиз ой ўқиш, ҳафтасига беш кун, ҳар кун икки фан ўқитилиши лозимлигини таъкидлайди. Иқтидорли талабалар таълимни ўн икки йилда яқунлашини уқтиради.

Мақола якунида Туркистон уламоларига хитоб қилиб, мактаб ва мадрасаларнинг аянқли аҳолии қуюниб, бонг уради: “Эй! Устоз ва уламолар, энди вақтни зоеъ этмангиз, бизларнинг ва ўзларингизнинг мозий ва истиқболимизни тушунингиз: ким эдук, на ўлдук, на улағамиз, фикр этингиз! Ватан ва миллат авлодининг таълим-тарбияти сизларнинг ҳамият ва ғайратингизга боғлидур”.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлод таълим-тарбияси масаласида уламоларнинг фикрлари турлича бўлган. Айримлари эски усул баробарида янги усул жадид мактабларининг ҳам тарафдори эди. Айримлари эса жадид мактаблари ҳақида танқидий фикр билдирган. Бу тоифа Европа маданияти муслмон болаларига салбий таъбир кўрсатишидан сақланмоқ зарур, деб ҳисоблаган. Саидахмад Васлий “Садои Фарғона” газетасида чоп этилган “Усули жадид” мақоласида янги усул эски ўқитиш тизимидан афзал эканлигини содда ва тушунарли қилиб қуйидагича баён этади: “Энди янги тартибда ўқитмоқни маъносиз шулки, мактабга кирган болага сабоқ бериш билан бир вақтда ҳарфларни ҳам ёзиб курсатур. Янги тартибда ўқиган бола 4-5 ойда ўқимоқ ва ёзмоқни ўрганур...”.

Васлий ушбу мақоласида 10-12 йил ўқиган мулларлар энг муҳим илмлардан беҳабар қолганиларини таъкидлаш билан бирга, уларнинг мадрасаларда ўрганган билимлари амалий ҳаёт эhtiёжларидан жуда узоқ экани ҳамда жамият тараққийига хизмат қилмай, амалиётдан ажралиб қолгани ҳақида муҳим ижтимоӣй-сиёсий масалани ҳам илгари сурган эди...

Умуман, “Ал-Ислох” журнали миллий уйғониш даврининг бошқа нашрлари қатори миллатни асрий жаҳолат гирдобидан олиб чиқиш, тараққий этган миллатлар даражасига кўтаришдек замоннинг энг муҳим масалалари йўлида хизмат қилди.

Қўлдош ПАРДАЕВ,
филология фанлари доктори,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори

ТАБДИЛ



Саид АХРОРИЙ

Фикр тарбияси – умумий тарбиянинг энг аҳамиятли бўлими-дир...

Лекин ҳар ҳолда бадан тарбиясидан кейинги галда турадир. Киши деган бир тош ёким бир ёғоч сингари ёлғиз бадан, яъни моддий ёқдан иборат эмас. Ўйлагувчи ҳам тушунчали бўлиши унинг бир-да фикрий борлиқ эгаси эканини кўрсатади. Ҳайвоний ҳаёти бўлгани каби фикрий бир ҳаёти ҳам бор демақдир. Мана шунга кўра, фикр тарбиясининг ҳам кераклиги аниқлашиб қолади.

Ҳар нарсанинг кун ва замон ўтган сайин тугалланиши ва кўтарилиб илгари бориши ҳар тарихи билан собит бўлган бир ҳақиқатдир. Айниқса, замонимизда турлик фанларнинг тараққий қилиши ва ҳунарларнинг техника кучи орқали тугал бўлиши – тарбия усулининг ҳам тузатилишини ижоб эткандир...

Фикр тарбиясининг қанча аҳамиятли экани устида ҳар кимнинг айрим фикри бордир. Ҳар ким билгининг, эс ва зийраклигининг аҳамиятини тақдир этадир, лекин тарихий текширишларни кўз олдига кетириб бу тўғрида бир мулоҳаза баён қилмоқ керак бўлганда қисқача айта бўладирки, бир элнинг бахтиёрлиги ҳам илгари бориб бормагонлигини унинг фикр тарбияси ёғидан қайси даражага етгани билан ўлчаб тушунмак мумкин.

Маданият тарихининг кўрсатишига қараганда, бутунлик, тўқлиқ ва бахтиёрлик деган нарсадан билим билан фикр тарбияси нисбатда бўлади. Ҳатто бу айтилган

нарсалар бутунлай билимга ва фикр тарбиясига боғланиб қолгондир.

Тарих бу давросига бизни кўндирмак учун кўзимиз олдига дунёнинг бутун ўзгаришларини, маданият асарларини ва илмий тараққийни қатор тизиб ясаб тортадир.

Бугун дунё матбуоти ва буг билан ишлаган машиналаригагина кўз солганда ҳам бу давронинг тўғрилиги аниқлашадир...

Кимё билими тараққий этмаганида, ҳозирда ҳам етти юз йил илгариги чирик фикрлар ҳоким бўлганда – бу асрда ҳам дунё алломалари мисдан тилпа ясамоқчи (!) бўлиб умрларини мумкин бўлмаган нарсалар билан ўтказиб бера эдилар. Фикр тарбиясининг керак экани, билим ўрганиш ва фанни текширишнинг эҳзини қандай улуг тилак ва армонларга етирганини тушунтирмак учун нима дейилса оздир.

Фикр тарбиясида туб тилагини болаларга келгусида, яъни бўйига етиб ишга ва турмушга аралашганларида бошқалари тегишли бўлган ҳар хил вазифаларни яхшилаб бажаратувчи бир қобилият бағишламоқ ва ундан кейин ўзига ва кишилиқ дунёсига ярайдургон кашфиёт ва ихтирога хизмат этиш йўлида муваффақ бўла олишини мумкин қилувчи бир истеъдод бермақдир. Бу эса, эҳзининг бутун бўлиши, ақлий билимнинг малакаларининг орта бериши билангина мумкин. Фикр тарбиясининг бу хили фанний билги тарбиясидир. Лекин алоқасининг теварағи жуда кенг бўлган фикр тарбиясининг хизмати бундангина иборат эмасдир. Балким гузал санъатлар (санъатий нафиса) ҳам бу қаторга кириб катта бир ўрин тутадирки, унга чинакам аҳамият бериб қарамоқ керакдир.

Четдан қараганга кўра гузал санъатлар тарбияси илмдир, фанлар тарбияси олдида бир зийнат-дан иборатдир: бир уй ёким бир кимнинг кераклиги олдида бир белбоғ, узук, бир соябон сингари... Гузал санъатларнинг ахлоқий тарбияга хизмат этувчи эканлигини илгари сурганлар ҳам бор. Булар чекдан ошириб муболага этганлар. Гузал санъатларнинг ахлоқ тарбиясига таъсири йўқ эмас. Лекин буларга ахлоқнинг зарурий бир боғлиқлиги ва табиий бир алоқаси йўқдир... Ахлоқ тарбияси айрим бир фандир. Ҳамда мусика, расм, театр ва ҳайкалтарошлиқдан кўпроқ; рух билими ҳам, ташриҳ – шарҳлаш билими асосига қурилгандир. Гузал санъатлар тарбияси керак ва аҳамиятли бўлса бу унинг ахлоққа асосий равишда хизмат этувчи эканлигидан эмас, балким кишининг фитратига яшириниб ёткан теран ва чин туйғуларнинг яхши равишда тугалланишига қурол бўлиб, ҳаётимизга нашла бағишлагувчи асарларнинг ҳам юзага келишига восита бўлгани учундир... Фан фойдали нарсани топади. Гузал санъатлар эса, доимо гузалликни излайдир ва у топилган нарсани озми-кўпми гузаллаштиришга тиришади. Мана шунинг учун гузал санъатларни фойдадан кейин ўйламак тўғри келади. Лекин ҳар қандай бўлганда буюн маданий халқлар учунгина эмас, ҳатто маданиялашмаган эллар учун ҳам энг зарур ва керакли маънавий эhtiёжлардандир. Шунинг учун на бир синф, на бир эл ва на бир киши бу гузал санъатлар орқали тарбия бу ўртада роҳат этишимизга ва бахтли бўлишимизга хизмат этадир. Шундай бўлса бу ҳам керақдир. Шу умумий мулоҳазага яна бир нарсани қўшиб ўтишга руҳсат берингиз. Оналик вазифаларининг яхшилаб бажарилиши учун оналарнинг фикр тарбиясига қанча йўқсул эканлигини исбот этмак йўлида баъзи синоқлардан бир-икки нарсани айтмак ҳам фойдасиз бўлмас.

Бола ўстириш, унинг соғлигини сақлаш, касал бўлганда унга яхши қараш каби ишлар, албатта, озми-кўпми тугал ва тўғри билги эгаси бўлишга боғлиқдир. Эhti-молик, ҳар ким бу фикрда эмас. Лекин мен бу тушунчадан сира айрилмайман. Кўп оналарни та-нийманким, булар болаларнинг оғриб ётишларига ва ёким минг хил фалокатга йўлиқтишларига ўз-лари билмасдан сабаб бўладилар. Болага қараш шундай хизматдир-ким, қатъий билги билан мумкин-дир. Лекин бу билгиларнинг китоблардангина ўрганилиши лозим келмас. Кўп оналаримизким, ўзла-ри ўқимоқ билмасалар ҳам бола боқишда жуда енгил ва лекин асу-ртури билгилари бор. Бунинг текса-расига бирда ёт тилда гапира ола-турган, мактаб битирган, мусиқий ва қўл ишига ўрганган кўп оналар ҳам бордирки, боланинг нима билан озуқланишини, кунда неча соат ухлатишини билмайлар...

Ёлғиз фикр тарбиясининг қан-ча керакли ва аҳамиятли эканлиги тўғрисида кўрсатилган мисоллар қаторида оналик вазифаларини ҳам бу тарбиянинг теварағи ичида экан-лигини кўрсатиб ўтмакчи бўлдим... Тараққий этганлардан жуда четда қолиб ётмоқ ёмондир, ўлим билан тенгдир. Буни ҳамма ўқиб эсда тутмоқ керак. Бу ҳақиқатни сира эсдан чиқармаган, ижобига кўра тиришган ва уринган киши ўзи учунгина эмас, балки ўз халқи,

ўз синфи учун энг унумли ишлар қуришга муваффақ бўлади. Нега-ким, вазифашунослик ва тиришқок-лиги орқасида илгари бориб юқори кўтарилишга кучи етадир.

Бир элнинг тараққийи, мада-нийлашмаги, бахтиёрлиги у элни ташкил этган шахсларнинг билим-ли, кучли, ғайратли ва ишсева-р бўлишига боғлиқдир. Бу ҳақиқат ҳар ёқдан тўғридир. Бу камонинг даражаси озми-кўпми аҳволнинг таъсиридан қутула олмастик баро-бариде кўп ёқлардан фикр тарбия-сига қаттиқ боғланган бўлиб, усиз мумкин эмасдир.

Фикр тарбиясида энг илгари боргон юртлар, албатта, энг бах-тли ёшлардандир ва табиатнинг у мамлакатга бағишланган бойлик манбаларидан фойдаланмоқ йўл-ларини топадилар.

Негаким, Африкада фикр тар-биясидан бутунлай маҳрум бўлгон ёввойи эллар бордир. Ерда ўзлари-ча Устан ўтларни ёё сафоланга умр ўтказадилар. Ер юзининг бир неча газ теграсида бўлгон ҳазинала-ридан фойдаланмоқ нари турсин, бундай бир фойданинг борлигини ҳаёлларидан ўтказма олмайдилар. Қисқаси шудирки, фикр тарбия-си маданиятимиз, яъни бахтиёр-лигимиз учун энг бошқа аҳамиятли ва керак бўлган шартлардан бири-сидир. Бу тўғрида ҳар қанча гапи-рилса ва ёзилса арзийдир.

*“Маориф ва ўқитувчи” журнали,
1925 йил, июл*

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Жамоат арбоби, журналист Саид Аҳрорӣй (кўп йиллар “Саодат” жур-нали бош муҳаррири ўринбосари вазифасида ишлаган таниқли таржи-мон ва журналист Холита Аҳророванинг отаси) асли хўжандлик бўлиб, Туркистон руслар томонидан забт этилган, ота-онаси билан Маккага, ундан Туркиянинг Истанбул шаҳрига кўчиб боради. 1912 йили Исмоил Ғаспирали ва Махмудхўжа Бехбудӣй билан учрашади.

1917 йил Февраль инқилобидан кейин Тошкентга келиб, мактабларда дарс бера бошлади. Унинг “Бухоро жўрғофийси” (Еқубов билан ҳам-корликда, 1923), “Хотин-қизларга тортиқ” (1924), “Ўзбек атамалари луғати” (1926) номи китоблари чоп этилган. 1930 йили “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзоликда айбаниб ҳибсга олинган. 1989 йилда оқланган.

ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Холботиров Султон Махмуд – 1890 йили Андижон шаҳри-да катта ер эгаси оиласида туғилган, “Миллий иттиҳод” аксил-инқилобий ташкилот аъзоси, 1934 йили район халқ таълими бў-лими ишини издан чиқаргани учун ВКП(б) сафидан ўчирилган. Қолхозда ишлаётган вақтда ҳибсга олинган.

Совет ҳокимиятига қарши душман кайфиятида бўлгани, “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотига янги аъзолар-ни тортишда, колхозни издан чиқариш учун тарғибот олиб бор-ганликда айбаниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этил-ган.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Холботиров Султон Мақсуд – 1888 йили Андижон шаҳри-да катта ер эгаси оиласида туғилган. Катта ариқ оқсоқоли. Инқи-лобга қадар полицияда ишлаган. “Миллий иттиҳод” аксилинқи-лобий ташкилоти ва Андижон шаҳар думаси аъзоси бўлган. 1919 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган.

Аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида босмачилар тўдаси билан алоқада бўлиб, уларни қурол билан таъминлаганликда, Совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманлари Ф.Хўжаев ва А.Каримов билан алоқада бўлганликда айбаниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Ғафуров Абдуқодир – 1897 йили Андижон шаҳрида йирик пахта сотувчи оиласида туғилган. Волост бошқарувчиси, “Мил-лий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Ўқувчи-ёшлар орасида аксилинқилобий варақалар тарқатган, Мирза Тоғай қўрбоши билан алоқада бўлган, қамоққа олиш вақтида кол-хозда ҳисобчилик қилган.

Аксилинқилобий гуруҳ йигинларида фаол иштирок этган-ликда, мағбулчилик мазумида аксилинқилобий тарғибот-ни доимий равишда олиб борганликда, меҳнаткашлар аҳолии тўғрисида туҳматлар тарқатганликда, хорижга чиқиб кетиш кай-фиятини ифодлаганликда айбаниб, ЎзССР Жиноят кодекси-нинг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Мусин Махмудбек – 1889 йили Андижон шаҳрида туғил-ган. Полиция амалдорининг ўғли. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш учун қу-ролни гуруҳларни ташкил этишнинг етакчи ташкилотчилардан бири. Қамоққа олиш пайтида бозорком вазифасида ишлаган.

Совет ҳокимиятига қарши салбий муносабатда бўлган, 1923 йили милиция бошлиғи бўлиб ишлаган. Босмачи тўдаларини қурол ва ўқ дори билан таъминлаб турганликда, русларга қар-ши охиригача кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида ўз фикрини айтганликда айбаниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Ҳакимов Аҳмаджон – 1903 йили Андижон шаҳрида савдо-гар оиласида туғилган. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Қа-моққа олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган.

“Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзолари билан алоқада бў-либ турган. Ташкилотдан ўқиш учун Бокуга вакиллари юбориб турган. Совет ҳукуматининг колхозларни мустақамлаш бўйича олиб борган тадбирларига қарши чиққан. Халқ душманлари – Каменев ва Зиновьевларни муҳокама қилинишларига қарши турганликда, инқилобгача бўлган даврни мақтанликда айбана-ниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди, 67-мод-даси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Шодмонов Саидхон – 1903 йили Марғилон шаҳрида савдо-гар оиласида туғилган. 1925 йили Ленин райониде аксил-инқилобий ташкилот хайъати аъзоси бўлган.

ВКП(б) ва Совет ҳокимияти сиёсатига душманликда, А.Ка-римов, Ф.Хўжаевни халқ душмани сифатида фош этилишига ачинаш билдирганликда, халқ душманлари топшириқига муво-фиқ ирригация бўйича амалда зарарчунданлик қилганликда, ўзида ноқуръон тарзда 2 та револьвер сақлаганликда айб-ланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Муллабоев Мирсоат – 1890 йили Тошкент шаҳрида пуд-ратчи оиласида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Душман унсурларни калтаклаганларни ҳи-мока қилгани учун 2 марта судга тортилган. ВКП(б)дан ўчирил-ган, маҳаллий ҳўжалик бўлими ишини издан чиқарган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган.

Миллатчи, аксилинқилобий унсурлар билан алоқада бўл-гани, ВКП(б)га, давлат сиёсатга бўҳтон қилгани, Совет ҳо-кимиятига қарши душманчилик кайфиятида бўлгани, аҳолии орасида норозилик келтириб чиқаргани, пахта тайёрлашда са-ботаж уюштиргани учун айбаниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди, 67-модда билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Ҳакимов Шукур – 1907 йили Андижон шаҳрида туғилган.